ЎЗБЕКИСТОН — ИСПАНИЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ

САВОЛЛАРИНГИЗГА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ЖАВОБ БЕРАДИ

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА

ЮЛДУЗЛАР «ТИЛГА КИРДИ»

АЙТАР СЎЗНИ АЙТ, АЙТМАС СЎЗДАН ҚАЙТ

ҲИКМАТЛАР БЎСТОНИ

ТОПҚИРЛИГИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 22 (9.825) / 2003 ЙИЛ 31 ЯНВАРЬ

# ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИНИНГ ИЛМИЙ ЭЪТИРОФИ

**Ғарбда бутун дунё нигоҳи қадалган Марказий Осиё минтақасининг марказий давлати бўлмиш Ўзбекистонга эътибор катта. Сиёсатчилар ва иқтисодчиларнинг мамлакатимиздаги ўзгаришларни диққат билан кузатиб боришига табиий ҳол сифатида қараш мумкин, деб ҳисобланса, нуфузли илмий доираларнинг кузатувини улканислоҳотлар жараёнига катта қизиқиш, дейиш мумкин.**



Ушбу ислоҳотлар, давлат ва жамиятнинг, халқ хўжалигининг барча соҳаларида юз бераётган ўзгаришлар бошида турган Президент Ислом Каримовнинг ташкилотчилик, ташаббускорлик ва ижодкорлик маҳорати шу чоққача хориждаги ўнлаб нуфузли илм даргоҳлари томонидан кўп бор эътироф этилиб, муносиб баҳоланган.

Франциянинг Париж-4 Сорбонна ва Париж-Сюд 11 университетлари «Президентлик фаолиятининг фахрий дипломи»ни таъсис этган. У халқ таълими тизимидаги ислоҳотларга, таълим, илм-фан ва маданиятни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга, шунингдек, халқлар ўртасида дўстона муносабатларни равнақ топтиришга улкан ҳисса қўшган давлат раҳбарларига берилади.

Айни кунларда Париж-4 Сорбонна ва Париж-Сюд 11 университетлари президентлари Жорж Молинье ҳамда Ксавье Шапиюза мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди. 30 январь куни Оқсаройда улар Президент Ислом Каримов қабулида бўлди.

Меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатимиз раҳбари қадимий «Сорбонна» номи нафақат Франция, балки бутун Европа таълим тизимида эталон сифатида қабул қилинишини, Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг Сорбонна тизимидаги университетларга эҳтироми баланд эканини таъкидлади.

Европанинг энг қадимий университетларидан бири - 1215 йили асос солинган Сорбонна дастлаб 4 факультетга эга эди. Орадан йиллар, асрлар ўтиб, у мисли кўрилмаган даражада кенгайди. 1968 йили Франция олий таълим соҳаси қайта қурилганидан кейин бу улкан университет бир нечта мухтор олий ўқув юртига бўлинди.

(Давоми 2-бетда.)

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА ТАВАЛЛУДИНИНГ 65 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ВА ҲУКУМАТЛАР, ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИДАН КЎПЛАБ ТАБРИКНОМАЛАР КЕЛМОҚДА.

Уларда Президентимизнинг давлат раҳбари сифатидаги фаолиятига юксак баҳо берилиб, мамлакатимиз истиқлолга эришиши, иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши, халқаро майдонда юртимиз нуфузининг ошиши, Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликнинг таъминланиши Ислом Каримовнинг номи билан бевосита боғлиқлиги таъкидланади.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов **кеча** Оқсарой қароргоҳида Россия Федерацияси Президенти маъмуриятининг раҳбари Александр Волошинни қабул қилди. Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш, минтақамизда хавфсизликни мустаҳкамлаш ва бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

● Тошкентда Иқтисодий тадқиқотлар маркази (ИТМ) томонидан БМТ Тараққиёт Дастури ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати шафеълигида «Иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган мамлакатларда иқтисодий ислоҳотлар ва хорижий сармояларни жалб этиш жараёни: ўтмиш сабоқлари ва Марказий Осиёнинг ривожланиш истиқболлари» мавзуидаги икки кунлик халқаро конференция ўз ишини бошлади.

● Тошкент халқаро бизнес марказида Ўзбекистон Республикаси ва Европа Ҳамжамияти мамлакатларида транспорт инфратузилмасининг жорий ҳолатига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

### Жаҳонда

● АҚШ ҳарбий хизматга қўшимча равишда 15 минг 718 нафар захирадагиларни чақирмоқда. Шундай қилиб захирадан чақирилганларнинг умумий сони 94 минг 624 нафарга етди.

● БМТнинг атроф-муҳит бўйича дастури (ЮНИЕП) Афғонистонда экологик ҳалокат хавфи мавжудлиги тўғрисида огоҳлантирди.

● Буюк Британия полициячилари терроризмга қарши кураш операцияси жараёнида террорчиликда гумон қилинаётган яна уч нафар шахсни ҳибсга олдилар.

● Европа Иттифоқи 2 февралда Яқин Шарққа ўз вакилларидан иборат махсус гуруҳ юбормоқда. Ушбу гуруҳнинг мақсади Ироқ билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни яхшилашга уринишдан иборат.

● Ҳиндистонда Ганг дарёсини кесиб ўтаётган, 100 га яқин йўловчиси бўлган кема чўкиб кетди. Натижада 10 киши ҳалок бўлган, қолган йўловчилар қутқариб қолинган.

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

❒ **БУГУН** Тошкент шаҳар ҳокимлигида шаҳар «Маънавият ва маърифат» кенгашининг 2002 йилда амалга оширган ишлари таҳлили ҳамда пойтахтда бу соҳадаги фаолият самарадорлигини ошириш юзасидан йиғилиши бўлиб ўтди.

❒ **БУГУН** шунингдек банкротлик ва санация масалалари ҳам Тошкент шаҳар ҳокимлигида тегишли комиссия томонидан кўриб чиқилди.

❒ **ХОРИЖИЙ** мамлакатлар билан дўстлик, маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши томонидан «Консонанс» эстетика маркази ҳамда «Камолот-қонун» ҳуқуқий маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган эртаклар фестивали **БУГУН** ўз ниҳоясига етди.

❒ **БУГУН** Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий Кўргазмалар залида 21 февралга қадар давом этадиган «Сейсмограф» номли кўргазма очилди. Мажозий ном берилган ушбу кўргазма Ўзбекистонинг ижтимоий ҳаётини акс эттирувчи рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик каби санъат асарларидан ташкил топган.

❒ **ИККИ** ойдан буён ўрта таълим ва мактабгача таълим муассасаларида «Отахонлар ва онахонлар набиралар нигоҳида» мавзусида расмлар кўрик-танлови давом этиб келмоқда. **ЭРТАГА** Замонавий санъат марказида мазкур танловнинг республика босқичи бўлиб ўтади. Танлов «ЭКОСАН» халқаро жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими, Замонавий санъат маркази ва шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан ташкил қилинган.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## • 2003 — ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ

# ЯКУНЛАР ВА РЕЖАЛАР

**Бектемир тумани ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорлигида «Астробод» гузарида йиғилиш бўлиб ўтди.**

2002 йил якунлари ва жорий йил режалари ҳамда вазифаларини белгилаш мақсадида ўтказилган ушбу йиғилишда барча маҳаллалар хотин-қизлар комиссиялари раислари, маҳалла оқсоқоллари, педагог ташкилотчилар, участка профилактика нозирлари ҳамда фаоллар иштирок этишиб, ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Йиғилишда иштирок этган Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов Обод маҳалла йилида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар, бу борада маҳаллалар аҳолиси ролини ошириш, уларнинг ҳуқуқий билим ва савияларини кенгайтириш хусусида атрофлича тўхталиб ўтди. Савол-жавоб, баҳс-мунозара тарзида ўтказилган ушбу тадбир йиғилганларда илиқ таассурот қолдирди.

**(Ўз мухбиримиз)**

# ҚАДИМИЙ ДЎСТЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27-29 январь кунлари давлат ташрифи билан Испания Қироллигида бўлди.**

Европани Африка билан боғловчи ҳудудда жойлашган Испания Қироллиги нафақат жуғрофий қулайлиги, балки иқтисодий салоҳияти, савдо ва сайёҳлик соҳаларидаги имкониятлари жиҳатдан ҳам жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Мамлакатнинг йиллик ялпи ички маҳсулоти қарийб 700 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Испания дунёда тинчликни сақлаш, халқаро терроризмга қарши курашда ҳам фаол иштирок этаётган давлатлардан. Бундай мамлакат билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш яхши самара бериши табиий.

Ўзбекистон Республикаси билан Испания Қироллиги ўртасидаги дипломатия муносабатлари расман 1992 йили ўрнатилган бўлса-да, халқларимиз орасидаги борди-келди кўп асрлик тарихга эга. Шу боис ҳам Президентимизнинг Испанияга сафарини том маънодаги тарихий ташриф, деб аташ мумкин.

«Эл Пардо» қароргоҳидаги расмий кутиб олиш маросими чоғида Испания миллий гвардияси ва суворийлар иштирокида ўтказилган ҳарбий парад мезбон томон Президентимиз ташрифига алоҳида тайёргарлик кўрганидан, Ўзбекистонга бўлган қизиқиш ва ҳурмат ғоят юксак эканидан далолат беради.

Ислом Каримовнинг Қирол Хуан Карлос Биринчи билан суҳбати мобайнида Ўзбекистон-Испания муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболларига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Испания Қиролининг расмий хонадони бўлмиш «Сарсуэла» саройида уюштирилган қабул маросимида икки давлат раҳбарларининг «Эл Пардо»да бошланган самимий суҳбати янада кенгроқ тарзда давом этди. Жумладан, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳадаги ҳамкорлик масалалари қаторида террорчиликка қарши кураш муаммоси ҳам муҳокама этилди.

Сиёсий жабҳада Ўзбекистон билан Испаниянинг муносабатлари изчил ривожланмоқда. Хусусан, БМТ, Европа Иттифоқи, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти каби халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасида кўп томонлама ҳамкорлик мавжуд. Испания ҳам Афғонистонда барқарор тинчлик ўрнатилишидан манфаатдор. Шу боис бу мамлакат афғон заминидаги тикланиш ишларида фаол иштирокчилар сафидан жой олган. Мамлакатларимизнинг кўпгина халқаро ва минтақавий миқёсдаги муаммоларга муносабатлари ҳам бир-бирига яқин ёки ўхшашдир.

Ижтимоий соҳадаги муносабатларимизнинг ҳам қамрови кенг. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида кўплаб иқтидорли ёшларимиз Испаниянинг нуфузли олий ўқув юртларида таълим олаяпти. Мазкур дастур Испания илмий доиралари томонидан юқори баҳоланган. Ўтган йили унинг асосий ташаббускори ва ижодкори бўлган Президентимизга Испаниянинг машҳур Алкала де Энарес университети фахрий доктор унвонини берган эди. Ислом Каримовнинг Испанияга ташрифи чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Алкала де Энарес университети ўртасида ҳамжиҳатлик меморандумига имзо чекилди.

Иқтисодиёт соҳасидаги алоқалар мамлакатларимизнинг имконият ва салоҳияти даражасида эмаслиги ташриф давомида алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон-Испания савдо-иқтисодий муносабатлари ривожига қандай омиллар тўсиқ бўляпти, деган савол туғилади. Президентимизнинг фикрича, бу аввало ахборот танқислигидир. Хусусан, испан ишбилармонлари Ўзбекистонда қандай соҳалар устувор эканлиги, қаерда ҳамкорликда бизнес очиб, катта фойда олиш мумкинлиги, хориж сармояси учун яратилган шарт-шароит ва унинг ҳуқуқий асослари ҳақида маълумотлар кам. Демак, биринчи навбатда, ахборот танқислиги муаммосини бартараф этиш керак. Бунинг учун икки мамлакат ишбилармонларининг бевосита мулоқотини ташкил этиш, тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддиларининг ўзаро борди-келдиларини фаоллаштириш зарур.

Бу фикрлар Президент Ислом Каримовнинг «Монклоа» саройида Испания ҳукумати Раиси Хосе Мария Аснар билан суҳбати чоғида ҳам алоҳида қайд қилинди. Давлатимиз раҳбари савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг айни кундаги аҳволи икки томонни ҳам қониқтирмаслигини айтди. Иқтисодий алоқалар, Испания сармоясини Ўзбекистонга жалб қилиш бирмунча суст. Бугун мамлакатимизда Испания сармояси иштирокида атиги олтита қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Вахоланки, икки мамлакатнинг мавжуд имконият ва салоҳияти, захиралари ҳамкорликда кўплаб йирик ишлаб чиқариш корхоналари барпо этиш учун етарли.

Давлатимиз раҳбарининг испан ишбилармонлари билан учрашуви жуда қизиқарли ўтди. Савол-жавобларга бой бўлди. Мулоқот чоғида испан тадбиркорлари Ўзбекистонга нечоғли қизиқиш билдираётгани аён бўлди.

Ўзбекистонда ишлаётган испан ишбилармонларидан бири ўзбек тилида сўз бошлаганида, барча қарсак чалиб юборди. У ўз ҳамкасбларини Ўзбекистонда бизнес қилишга чақирар экан, юртимиз гўзалликлари, халқимизнинг азалий анъаналари, меҳмондўстлиги ҳақида тўлқинланиб гапирди. Мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик бизнес самарадорлигининг асосий кафолати эканлигини алоҳида таъкидлади.

«Банко Билбао Веская Аргентария» («ББВА») Испаниянинг энг йирик молиявий муассасаларидан бири. Ислом Каримов ана шу банк бошқаруви аъзолари билан учрашди. «ББВА Трейд» компанияси раиси ва ижрочи директори Леопольдо Лопес Фугет Балистерас мазкур муассасанинг Европа ва Осиё мамлакатлари бўйича директори Януш Пиотрович ва «ББВА» бош менежерининг ўринбосари Эмилио Хуан билан ўтказилган суҳбат чоғида молиявий муносабатлар ривожи, Испания сармоясини Ўзбекистонга кўпроқ киритишга оид масалалар муҳокама қилинди.

Испания парламенти икки палатадан - Сенат ва Депутатлар конгрессидан иборат. Ислом Каримовнинг мамлакат олий қонун чиқарувчи органига келиши муносабати билан Сенат ва Депутатлар конгрессининг доимий қўмиталари қўшма йиғилишга тўпланди.

Сенат раиси Хуан Хосе Лукас Хименес Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида етакчи ўрин тутишини, мамлакатнинг бозор иқтисодиётига ўтиш борасида ўзига хос йўлни танлагани жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланишини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистондаги парламент ислоҳоти, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ва таълим соҳаларидаги ўзгаришлар, минтақадаги бугунги вазият ҳақида сўзлади. Икки мамлакат парламентларининг ўзаро алоқаларини кучайтириш зарурлигига эътиборни қаратди.

Давлатимиз раҳбарига парламентнинг махсус медали ва 1978 йилда қабул қилинган Испания конституциясининг нусхаси тақдим этилди. Конституция ҳар бир давлатнинг эркинлиги ва мустақиллигини кафолатловчи бош қонундир. Шунинг учун ҳам у энг азиз меҳмонларга, мамлакатнинг яқин дўстларига тухфа этилади. Ислом Каримов Сенатнинг «Олтин китоби»га дастхат битди.

Ташриф асносида бир неча икки томонлама ҳужжат имзоланди. Ўзбекистон Республикаси билан Испания Қироллиги ўртасида Сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисида битим, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан Испания Қироллиги Иқтисодиёт вазирлиги ўртасида ҳамжиҳатлик меморандуми, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан Испания Қироллиги Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги маслаҳатлашувлар меморандуми шулар жумласидандир.

Ушбу ҳужжатлар орқали ҳамкорликни оқсатаётган кўпгина муаммоларга ечим топилади. Иқтисодиёт вазирликлари муносабатларининг расмийлаштирилиши уларнинг ўзаро алоқаларини фаоллаштириши, камчиликларни баҳамжиҳат ҳал этиб, сармоя, товарлар ва хизматлар оқимига кенг йўл очишига имкон яратади. Сармояларнинг қонунан рағбатлантирилиши ва ҳимояга олиниши эса ишбилармонларнинг бир-бирига ишончини мустаҳкамлайди.

Ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида ҳужжат имзоланиши улар зиммасига савдо-иқтисодий ҳамкорлик доирасидаги ишларни мувофиқлаштириш баробарида, икки мамлакат муносабатларига оид бошқа масалаларни бамаслаҳат ҳал этиш вазифасини юклайди.

Ўзбекистон Президенти Мадрид шаҳри мэриясига ташриф буюрганида мэр Хосе Мария Алварес дел Мансано Ислом Каримовга тантанали равишда ўз шаҳрининг рамзий «Олтин калити»ни топширди. Европанинг қадимий ва гўзал шаҳарларидан бири бўлган Мадрид эшиклари Ўзбекистон халқи учун доим очиқ эканлигига ишора эди бу.

Мадрид жамоатчилиги билан бўлиб ўтган учрашувда давлатимиз раҳбари шаҳарнинг ўзига хос чиройи, меъморий ечими, тарихий бинолари катта таассурот қолдирганини таъкидлади. 600 йил аввалги Мадрид ҳам жуда гўзал бўлган. Испания Қироллиги билан мустаҳкам алоқа ўрнатган Соҳибқирон Амир Темур Муҳаммад ал Қозийни ушбу давлатга элчи қилиб жўнатган.

Таъкидлаш жоизки, учрашув қадимий Испаниянинг машҳур элчиси Руи Гонсалес де Клавихо номи билан аталадиган кўчада жойлашган бинода бўлиб ўтди. Мэрнинг айтишича, Клавихо Соҳибқирон Амир Темур ҳузурига тарихий сафарга отланганига бу йил 600 йил тўлади. Шу муносабат билан шаҳар маъмурияти мазкур сафар ва ўша давр ҳақида кўргазма тайёрлаш ниятида экан. Мэр жаноблари мамлакатимиз раҳбаридан ушбу тадбирни ўтказишда ҳамкорлик ва ёрдамини аямаслигини сўради. Кўргазмани кейинроқ Тошкент ва Самарқандда ҳам ўтказиш таклифини айтди.

Испания сайёҳлик юксак даражада ривожланган давлатлар сирасига киради. Биргина ана шу соҳадан ҳар йили мамлакат ғазнасига 34 миллиард АҚШ долларига яқин маблағ тушади. Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг (ЖСТ) бош қароргоҳи Мадридда жойлашгани ҳам бежиз эмас.

Ўзбекистоннинг сайёҳликни ривожлантириш борасидаги имкониятлари бу мамлакатникидан қолишмайди. Ислом Каримов ЖСТ бош котиби Франческо Франжиалини қабул қилган чоғида Ўзбекистондаги ана шу имкониятдан самарали фойдаланишга оид масалалар муҳокама қилинди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон билан Испания ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очилди. Президентимизнинг ташрифи, учрашувлар давомида эришилган келишувлар, имзоланган ҳужжатлар тез орада ўз самарасини беришига шубҳа йўқ. Зеро, ташриф давомида томонларнинг юқори кайфияти, бир-бирига юксак ҳурмати яққол намоён бўлди. Бу эса истиқболда ҳамкорликнинг янги-янги қирралари очилиши, кўлами янада кенгайишига ишончни мустаҳкамлайди.

**Озод РАЖАБОВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент-Мадрид-Тошкент.**

# ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИНИНГ ИЛМИЙ ЭЪТИРОФИ

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

«Сорбонна» деган ягона ном билан аталувчи Париж-1, Париж-3, Париж-4 ва Париж-5 университетлари ягона инфратузилма ҳамда умумий маъмурий ва ўқув муассасаларига эга. Университетлараро кутубхона, Олий таълимнинг амалий мактаби, Миллий хартиялар мактаби, Париж университетлари девонхонаси ва Академик ректоратни шулар жумласига киритиш мумкин.

Университетларнинг ҳар бири умумий манфаатга хизмат қиладиган бирор вазифани бажаради. Масалан, Париж-5 университетлараро тиббий хизмат, Париж-4 ягона ҳужжатлаштириш маркази ва радиостанция, Париж-3 маданий марказ ва ахборот агентлиги, Париж-1 матбаа марказига эга. 1770 йили фаолият бошлаган Сорбонна кутубхонасининг бойлиги эса, бошида 20 минг том билан ўлчанарди. 1997 йили ундаги китоблар сони 3 миллиондан ошиб кетди.

Алоҳида олинганда ҳам мазкур университетларнинг ҳар бири — жуда катта таълим муассасаси. Масалан, Париж-4 Сорбоннадаги йигирмага яқин факультетда 25 минг талаба таҳсил олади. Университет ҳузурида бир неча илмий-тадқиқот институтлари, малака ошириш марказлари бор.

1965 йили Сорбонна таркибидан ажралиб чиққан Париж-Сюд 11 ҳақида ҳам шунга монанд маълумотларни келтириш мумкин. Бу ерда 19 ихтисос бўйича 26 минг талаба таҳсил олади. Кўплаб илмий марказлар, технология институтлари ва бошқа муассасалар бор. Илмий тадқиқотлар сифати бўйича ушбу университет Францияда илғорлардан саналади.

Мазкур икки университет бир неча йилдан буён Ўзбекистондаги олий ўқув юртлари билан самарали ҳамкорлик қилиб келади. Хусусан, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент Давлат шарқшунослик институти, Самарқанд ва Бухоро Давлат университетлари билан алоқалар кўлами анча катта.

Оксаройдаги учрашувда бу ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув якунида меҳмонлар халқ таълими тизимидаги ислоҳотларга, таълим, илм-фан ва маданиятни ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш, шунингдек, халқлар ўртасида дўстона муносабатларни равнақ топтиришга, демократик жамият қурилишига қўшган улкан ҳиссаси учун Ислом Каримовга «Президентлик фаолиятининг фахрий дипломи»ни топширди.

Мамлакатимиз раҳбари бундай эътибор учун миннатдорлик билдирар экан, ушбу диплом Ўзбекистондаги улкан ўзгаришларга Франция илмий доиралари томонидан берилган юксак баҳо эканлигини таъкидлади.

(ЎзА)

## Сўранг, жавоб берамиз

**Турар жой сотилаётганда ёки ота-она ўртасида мулк тақсимланаётганда фарзандларнинг розилиги олинадими?**

**Р. Кулмонова**

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 90-, 91-моддаларига мувофиқ вояга етмаган болалар ўз ота-онасидан ва бошқа шахслардан қонунда назарда тутилган миқдорда ва тартибда таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Лекин ота-она ҳаётлигида болалар уларнинг мол-мулкига нисбатан мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга эмас. Ўз навбатида ота-она ҳам вояга етмаган болаларнинг мол-мулкига нисбатан мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Аммо турар жой тасарруф этилаётганда фарзанднинг ушбу турар жойга умумий мулк ҳуқуқи бўлгандагина розилиги олинади. Умумий мулк ҳуқуқи фарзандда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексида белгиланган тартибда вужудга келиши мумкин (ҳадя, шахсий меҳнат, тадбиркорлик йўллари билан мавжуд бўлган мулк).

* * *

**Мен турмушга чиққанимда никоҳимизни ФХДЁда ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирмаган эдик. Бир йилча яхши яшадик, ўртада ўғиллик ҳам бўлдик. Лекин бир йилдан кейин турмуш ўртоғим сен билан яшамайман, деб мени ўғлим билан ота-онамнинг уйига ташлаб кетди. Бирон марта хабар ҳам олмади, моддий ёрдам ҳам бермай келмоқда. Мен ўғлимга алимент олишга ҳаққим борми?**

**М. Умурзоқова**

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 63-моддасида кўрсатилишича, гарчи никоҳ ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилмаган ҳолда ҳам боланинг туғилиш гувоҳномасининг ота-онаси деб ёзилган жойига отаси, онасининг исми ва фамилиялари кўрсатилган бўлса, ушбу туғилган бола мазкур гувоҳномада кўрсатилган фуқародан туғилганлигини тасдиқлайдиган далилдир. Бу ўз навбатида сизнинг турмуш ўртоғингиздан бир нафар болангиз учун алимент олиш ҳуқуқини беради.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 96-моддасига биноан турмуш ўртоғингиз фарзандингизнинг таъминоти учун алимент тўлаши шарт.

Ушбу қонуннинг 99-моддасига биноан бир нафар фарзандингиз учун алимент собиқ турмуш ўртоғингизнинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа даромадининг ҳисобидан иш ҳақининг тўртдан бир қисми миқдорида ундирилади. Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳволини эътиборга олган ҳолда суд томонидан камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин. Фарзандингиз учун тўланадиган алимент миқдори энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Демак, сиз суд йўли билан турмуш ўртоғингиздан фарзандингизнинг таъминоти учун алимент олишга ҳақлисиз.

* * *

**Менинг қўшним икки қаватли қилиб иморат солгани боис бизнинг ҳовлига ёруғлик умуман тушмай қолди. Қўшним уй қураётганида маҳалла оқсоқолининг ва бошқа фаолларнинг сўзи ўтмади. Айтингчи, бундай можарога ким аралашиб, оқилона ҳал қилиб бера олади?**

**М. Низомов**

Авваламбор қўшни иморат қуриш учун зарур рухсатнома олиб, архитектура ва қурилиш меъёрлари ҳамда қоидаларига риоя қилган ҳолда уй бунёд этиши лозим эди. Мутасаддилар ушбу қурилажак уй ва унинг бўлажак чизмасини кўриб тасдиқлашлари, тасдиқлаш жараёнида қўшниларнинг ҳам ҳуқуқлари бузилмаганлигини назарда тутилмоғи лозим эди. Қурилган иморат ён қўшнининг ҳовлисига соя ташлаб, қуёш нурини тўсиб, оила аъзоларига ноқулайлик туғдираётган экан, уларнинг талаблари тўғри.

Иморат қурган қўшни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг ўзбошимчалик билан иморат қуриш ва унинг оқибатлари ҳақидаги 212-моддасига хилоф равишда уй қурган ҳисобланади ва шунга яраша жавоб бериши лозим.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 132-11-39 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.**

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## Борига бозор

Таҳририятнинг топшириғи билан катта бир идорага бордик. Бошлиқ ҳали тушликдан қайтмаган экан, кутишимизга тўғри келди. Ярим соат, бир соат пойладик, ундан дарак бўлмади. Бу орада қанча одамлар уни сўраб-истаб кириб чиқишди. Ҳаммага котибанинг жавоби бир хил.

— Қачон келишларини билмайман. Менга ҳисоб бермайдилар.

Тоқатимиз тоқ бўлиб энди қайтаётган эдик, ташқарида бирдан югур-югур бўлиб қолди. Боисини билсак, бошлиқ келган экан. Кўп ўтмай у қабулхонага кирди-да, ҳеч кимга эътибор бермай ёнида келган ҳамроҳлари билан тўғри хонасига кириб кетди.

Яна кутдик. Бошлиқ ҳузуридагилар билан ҳар қалай муҳим ишларни ҳал қилаётган бўлса керак, деган хаёлга бордик. Қарасак, ҳали-бери ичкаридагилар чиқмайдиган. Котибага мурожаат қилишга тўғри келди.

— Синглим, илтимос, кириб биз газетадан топшириқ билан келганлигимизни айтсангиз.

Котиба бир зум тирноқ тозалашдан тўхтаб, бизга чимирилди.

— Бу ерга ҳеч ким бекорга келмайди. Ҳамма муҳим юмуш билан келади. Кутинг. Бўшасалар ўзлари чақирадилар.

Билдикки, котиба билан талашиб-тортишиш бефойда. Шарт ўрнимиздан туриб бошлиқ эшигини очдик-да, киришга ижозат сўрадик.

— Мумкинми?

Овоз бўлмагач, котибанинг ҳай-ҳайлашига қарамай, ичкарига кириб бордик. Во ажаб, ҳайҳотдай хонада ҳеч ким йўқ эди. Котиба орқамиздан югуриб кирди.

— Қанақа маданиятсиз одамсиз? Мен айтдим-ку сизга бандлар деб.

Шовқин-сурондан кейин бошлиқ ўтирадиган кресло орқасидаги гардеробнамо эшик очилиб, норози қиёфадаги бошлиқ кўринди.

— Нима гап?

Котиба тушунтира кетди. Шу орада биз газетадан келганлигимизни айтдик.

— Нима масалада? — сўради бошлиқ бизга синчков тикилиб.

— Меҳнаткашларнинг маданий дам олиши ҳақида суҳбатлашмоқчи эдик.

— Мен билан бўлиши шартми? Ўринбосарлар билан қила қолинг суҳбатни.

«Сиз билан бўлиши шарт» маъносида қаттиқ туриб олдик, бошлиқ ночор кўнди.

— Ҳай, майли, мухбирларга нима ҳам дердик. Бугун режалаштирган юмушларим кўп. Сиз билан валақлашиб ўтиришга вақтим йўқ десам, барибир ишонмайсиз.

— Бўлмаса, олдин ичкаридагилар билан суҳбатни тугатиб олинг, — дейман унга гардеробхона орқасидаги хонада ўтирганларга ишора қилиб.

— Ҳечқиси йўқ, улар кунда шунда, ўзимизнинг улфатлар, ўтириб туришади. Сўранг, фақат қисқа бўлсин.

Биринчи савол меҳнаткашларнинг қишки дам олиши қандай ташкил этилганлиги ҳақида бўлди.

— Унумли ташкил этилган, — дея гап бошлади бошлиқ, — Турли мусобақалар ўтказиб турамиз, хусусан, шахмат-шашка мусобақалари. Ҳудудимизда ўндан ортиқ бильярдхона ишлаб турибди. Бир неча спорт заллари мавжуд, унда ёшларимиз спортнинг барча турлари бўйича беллашиб туришади. Масалан, ўзим шахмат ишқибозиман. Бўш қолдим дегунча, жўралар билан шахмат доналарини сурамиз. Агар сизга айтадиган бўлсам, ҳозир ҳам ичкарида шахмат мусобақаси кетяпти. (У шундай дея гардеробхона эшигига ишора қилди.) Бильярд ҳам жону дилим. Қайноқ меҳнатдан сўнг қўл-оёқларнинг чигилини ёзиб, соққа урганга нима етсин. Яна нималарни айтай.

— Маданий ишлар, кутубхона, кинотеатр, шунингдек Чимён ва бошқа дам олиш зоналарига қилинган сафарлар ҳақида ҳам гаплашсак.

— Мактабларимизда кутубхоналар бисёр. Улар керакли адабиётлар билан таъминланган. Масалан, домла Чехов, Абдулла Қаҳҳор, Эркин Воҳидов, Муҳаммад... Муҳаммад... Ҳаҳ, фамилияси нимайди?

— Муҳаммад Юсуф.

— Отангизга раҳмат. Ва бошқаларнинг китоблари бор. Театр, кинога бориш ҳаммамизнинг ўз хоҳиши. Ҳозир бировни унақа жойга зўрлаб олиб борадиган вақт эмас. Чимён масаласига келсак, очиғи, осмон узоқ, ер қаттиқ. Кундалик юмушлардан бўшаб, бунақа узоқ жойларга қадамимиз етмайди.

— Агар сир бўлмаса, бир нарса сўрамоқчийдим?

— Бемалол, сўрайверинг.

— Сўнгги ойда шахсан ўзингиз қандай театр ёки кино кўрдингиз?

— Ой нимаси, йилни айтинг. Бунақа ишларга вақт қайда дейсиз, лекин «ойнаи жаҳон»да бериладиган сериалларни кўриб турамиз.

— Қайси театрга кўпроқ борасиз?

— Муқимийга. Ўзим ўлгудек қўшиқ шайдосиман.

— Сўнгги марта қайси томошани кўрдингиз?

— Уйдагиларнинг қистови билан ўтган йили бир қизиқроқ томоша кўрган эдик. Номи қанақадир «Қайнона»миди-ей?

— «Суперқайнона».

— Ҳа, шунақа бўлса керак.

Суҳбатимиз шу жойда узилди. Бошлиқ соатига қараб, менга ажратилган вақт тугаганлигини айтди.

— Бу ёғини ўзингиз келиштириб юборасиз, — деди жилмайиб. — Ахир мухбирлар йўқдан бор қилишга устаси фаранг бўлиб кетишган-ку.

Биз эса бошқачароқ йўл тутдик. Борига бозор қилдик. Фақат идоранинг номи, бошлиқнинг исми шарифини келтирмадик. Ўйлаймизки, гап эгасини топади.

## Санамай саккиз дема

Меҳмон отангдан улуғ. Қўшнимиз Болтабой аканикига келган шаҳарлик меҳмонни бир пиёла чой ичиш учун уйга таклиф қилдик. Меҳмоннинг ҳурмати учун даврага уч-тўрт чоғли дўстларимизни ҳам чорладик.

Суҳбатимиз турли мавзуларда кечди. Бу орада меҳмон гапга чечан экан, даврани ўзига қаратиб, ҳеч кимга гап бермай қўйди. Унинг бу қилмишидан Болтабой ака хижолат тортиб, қизариб бўзариб ўтирди. Лекин меҳмон буни сезмасди. У тинмасдан сўзлар, унинг баландпарвоз, беъҳушов гаплари бора-бора даврадагиларнинг ҳам энсасини қотира бошлади. Меҳмонни чалғитиш учун Акбар ака гап мавзуини инсонийлик, меҳр-оқибат, қадр-қиммат масаласига буриб юборди. Шунда дўстларимиздан бири гапириб қолди.

— Неъмат аканинг ғалати бир хислати бор эди-да. Ўтган йили дам олиш куни у билан бозор айланиб юрсак бир қария девона олдимиздан чиқиб қолди. Ночорлигини айтиб, биздан ёрдам сўради. Шунда Неъмат ака ёнидаги бор пулини киссасидан чиқариб, девонага узатди. «Нега бундай қиласиз, ахир унга 50-100 сўм берсангиз бўлардику», десам у: «Ҳозир 100 сўмга нима берарди, пулга муҳтождирки, елка сиқиб девоналик қилиб юрибди» деди.

Шу гап баҳона бўлиб, Неъмат аканинг одамийлиги, сахийлиги ҳақидаги сўз узоқ давом этди. Ҳамма ўз билганича шу инсоннинг ҳислатлари ҳақида гапирди.

— Ошпаз Неъмат ака Расулов ҳақида гапираяпсизларми? — сўради меҳмон гапга аралашиб.

— Ҳа, худди ўша одам ҳақида. Сиз ҳам танирмидингиз?

— Таниганда қандоқ. Ака-ука эдик у одам билан. Уйимизда бўладиган тўйми, маъраками, барча йиғинларда у киши ош дамлардилар. Тунов куни Неъмат акани йўлда учратиб қолдим. Анча қариб қолибдилар. «Нега кўринмайсиз?» десам, «Қаричилик, укам», дедилар. Уйга таклиф қилдим. Олдинига унамадилар, қистаб қўймаганимдан кейин ночор кўндилар. Роса мириқиб суҳбатлашдик.

Меҳмоннинг гапидан ҳаммамиз ҳайратга тушдик. Ахир Неъмат Расулов бундан роса бир йил муқаддам бандаликни бажо келтирган бўлса, бу одам тунов куни уни қаерда учрата қолиб, уйига таклиф қилибди. Балки меҳмон янглишаётган дея, ҳайронликда сўраб-суриштирсак, у аниқ-таниқ биз билган Неъмат ака Расуловни айтяпти.

Болтабой ака танишининг қилмишидан уялиб, тилга кирди:

— Қодиржон ука, янглишманг. Неъмат ака оламдан ўтганига бир йил бўлди. Тунов куни йил ошисини ҳаммамиз биргалашиб ўтказдик.

Меҳмон ёлғонлаганидан уялиб мулзам тортди.

Шунда давра тўрида ўтирган Пўлат ака «Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит» қабилида бир ҳикоят келтирди.

— Бир одамга: «Фалончи дўстинг вафот этди, эшитдингми?» дейишибди.

У одам ҳайрон бўлиб дебди.

— Бу сўзинг тўғри бўлмаса керак, чунки ҳозиргина ундан хат олдим. Ўзининг вафоти ҳақида ҳеч нарса ёзмаганку, — деб жавоб берган экан.

Шу гапдан кейин меҳмон кетишга ижозат сўради.



**Қўли гул бунёдкорларимизнинг ғайрат-шижоатлари эвазига пойтахтимизда қад ростлаётган замонавий, бирибиридан кўркам турар жой биноларини кўриб кўзингиз қувнайди. Ушбу осмонўпар бинолар шаҳримиз кўчаларига файз бағишлаши билан биргаликда неча-неча бахтиёр оилаларни ўз бағрига олиб, яратилган қулайликлари билан мамнун этмоқда.**

«01»

# Бепарво бўлмайлик

**Мана, ўлкамизда қиш фаслининг ҳам ярмидан кўпи ўтяпти. Совуқ кунлар арафасида қиш ғамини еган ҳамюртларимиз қаҳратонда ортиқча елиб-югуриб ўтиришмади. Аммо хонадонларини иситиш учун чора кўрмаганлар баъзи бир нохуш ҳолларга дучор бўлмоқдаки, бундан кўз юмиб бўлмайди. Кимдир ҳовлисига ўтин қаласа, кимдир уйи ичидаги ошхона газларини ёқиб қўйишга мажбур бўляпти. Баъзи бепарволиклар эса ёнғинларни келтириб чиқармоқда.**

Ёнғинларнинг асосий сабаблари кишиларнинг лоқайд ва бепарволикларидир. Масалан, Собир Раҳимов туманида 1953 йилда туғилган А. Одилов спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда тамаки чекиб ухлаб қолган. Натижада ёнғин содир бўлиб, у ҳаётдан кўз юмган. А. Мажидов ҳам маст ҳолда тамаки чекиб, ухлаб қолган. Бехосдан тамаки чўғи кўрпачага тушиб уй эгаси А. Мажидов тутундан димиқиб ҳалок бўлган. Шунингдек, Ленточний 4-берк кўчаси, 1-уйда фуқаро Ш. Ғиёсовнинг хонадонида ёнғин содир бўлиб, 40 квадрат метр атрофида том панжаралари ва уй-рўзғор буюмлари ёнган. Ёнғиннинг келиб чиқиш сабаби электр симларининг қисқа туташувидандир. Газ-иситиш анжомларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида фуқаро М. Мақсудов меҳмонхонасининг 20 квадрат метр атрофида том қисми ёнғиндан зарарланган.

Биз аҳолига мурожаат қилиб, қуйидаги хавфсизлик қоидаларини яна бир бор эслатиб ўтамиз. Хонадонингизда газдан ёнғин чиқмасин десангиз газ анжомларини ҳар доим соз ҳолда сақланг, ўзбошимчалик билан ҳар хил қўлбола анжомларни ихтиро қилмасдан уларнинг давлат талаблари асосида тайёрланганларини ўрнатинг. Бу масалада мутахассисларга мурожаат этинг. Агар хонада газ ҳидини сезсангиз чироқни ёқишдан олдин газ анжомларини ўчириб қўйинг. Шунингдек, зудлик билан хона деразa-эшикларини очиб, хонани шамоллатинг. Шунда ҳам газ ҳиди чиқаётган бўлса, дарҳол 04 телефон рақами орқали газ идорасига мурожаат қилинг. Ёнғин чиққанини сезсангиз, дарҳол 01 телефон рақами орқали ёнғин ўчирувчиларини ёрдамга чақиринг. Вақтида берилган маълумот фуқаролар ҳаётини сақлаб қолишга сабаб бўлади. Зеро, ёнғиннинг олдини олиш уни ўчиришдан осонроқдир.

**Фарруҳ ХУСАНОВ,**
**Собир Раҳимов туман ИИБ ЁХБ катта инспектори вазифасини бажарувчи, ички хизмат катта лейтенанти.**



Болалари соғлом юртнинг келажаги буюк бўлади.



# Мунажжимлар башорати

**3 февралдан 9 февралгача**

**ҚЎЙ (21 март — 20 апрель)** — Ҳафта боши айтарли хушкайфият билан бошланмайди. Ҳафта ўрталарида оилавий муаммолар туғилиши мумкин. Бундай муаммолардан сизни самимийлигингиз ва қатъиятлигингиз қутқара олади.

**БУЗОҚ (21 апрель — 20 май)** — Ҳафта кўнглингиздагидек бошланмайди. Нохушликлар ҳафта давомида чўзилиб боради, бунга тайёр туринг. Касбий фаолиятингизда вазиятга қараб иш тутишингизга тўғри келади.

**ЭГИЗАКЛАР (21 май — 21 июнь)** — Ҳафта хушкайфият билан бошланади. Янги-янги режалар ва қизиқ таклифлар бўлади. Ҳафта ўрталарида ҳаммасини таҳлил қилиб, тарозуга солиб, қилинадиган ишларни режаланг.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22 июнь — 22 июль)** — Ҳафта боши расмий ҳолатларда ўтади. Бу айрим масалаларни ўртага ташлайди, «Эски дўстларингиз» ёки ишдаги ҳамкорларингиз томонидан баъзи гап-сўзлар сизни ранжитади.

**АРСЛОН (23 июль — 23 август)** — Ҳафта боши сизга дарс бўлади. Ўзингизнинг кимлигингизни кўрсатадиган вақт келди. Ҳафта ўрталари - бироз кўнгилсиз ўтади. Эҳтиёткорликда ақл билан иш юритинг. Касбий фаолиятингизда фақат ўзингизга ишонинг, маҳкамроқ бўлинг!

**ПАРИЗОД (24 август — 23 сентябрь)** — Бу ҳафта сиз учун омадсиз бошланади. Бу ҳол ҳафта охиригача давом этади. Сиз асабийлашасиз, дангасалик касалига учрайсиз. Жума куни ўзингизни қўлга олишга ҳаракат қилинг ва керакли иш билан шуғулланишга уриниб кўринг.

**ТАРОЗУ (24 сентябрь — 23 октябрь)** — Ҳафта бошидаги тадбирларни кейинга суриб, керакли ишлар билан шуғулланишга ҳаракат қилинг. Сизнинг қобилиятингиз ва бор имкониятларингизни кўрсатадиган фурсат бу ҳафтанинг ўртасидир.

**ЧАЁН (24 октябрь — 22 ноябрь)** — Ҳафта бошида нохушликни сезасиз. Ҳафта ўрталарида бу ҳолатни тарк этишни ўйланг. Бунинг учун ўзингизни қўлга олишга ҳаракат қилинг.

**ЎҚОТАР (23 ноябрь — 21 декабрь)** — Ҳафта боши ажойиб бўлади, қалбингиз тоза, тинч ва эркин сезасиз ўзингизни. Бўлиб ўтаётган ишларнинг қадрига етасиз, ўзингизга ишонасиз.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь — 20 январь)** — Ҳафта бошларида айрим муаммоларни ечишда сизда қийинчиликлар туғилади. Шунинг учун ҳар қандай муносабатларга ва мулоқотларга тайёр туринг.

**ҚОВҒА (21 январь — 19 февраль)** — Ҳафта боши жуда омадли бошланиши сизни хурсанд қилади. Иложи борича кўпроқ ишларни бажаришга ҳаракат қилинг ва бу сизга фақат фойда келтиради. Ҳафта ўрталарида сал нохушликни сезасиз.

**БАЛИҚ (20 февраль — 20 март)** — Ҳафта бошида кўпроқ эътиборни иқтисодий масалаларга қаратинг. Бир-икки кундан сўнг муаммолар бошланади. Бу нохушликлардан қутулиш учун дам олиш кунларини уйда тинчлик, сокинликда ўтказинг. Ҳамма кўнгилсизликлар сизнинг қатъиятсизлигингиздандир.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР





## КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, МУАССАСА ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими: жиноят, фуқаролик ва хўжалик судларининг қарорларига асосан суд ижрочилари томонидан қуйидаги рўйхатга олинган автомототранспорт воситаларининг ким ошди савдоси ўтказилиши ҳақида эълон қилади.

**Енгил автотранспорт воситалари**

1. «Нексия» автомобили 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AP 669, бошланғич нархи 4.000.000 сўм, техник соз
2. «Газ-2401» автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AI 523, бошланғич нархи 280.000 сўм (техник носоз)
3. «Газ-2410» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами AF 590, бошланғич нархи 600.000 сўм (техник носоз)
4. «Ваз-2101» автомобили, 1979 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами Э 75-48 ТН, бошланғич нархи 100.000 сўм (техник носоз)
5. «Ваз-2103» автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 У 17-81 ТН, бошланғич нархи 100.000 сўм (техник носоз)
6. «Газ-31029» автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10/А 37-41, бошланғич нархи 2.800.000 сўм (техник носоз)

**Трактор воситалари**

1. МТЗ-80, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами ФВ 32-09, бошланғич нархи 1.200.000 сўм
2. МТЗ-80, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами ЕД 11-47, бошланғич нархи 1.150.000 сўм
3. МТЗ ММ 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами ЕР 54-00, бошланғич нархи 1.200.000 сўм, техник носоз

Кимошди савдоси (аукцион) 2003 йил 3, 5 февраль кунлари соат 10.00 да суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.**

**Маълумот учун телефонлар: 144-54-08, 144-08-01, 41-16-37**

2003 йил 15 февралдан | «Ўздавцирк» республика бирлашмаси Тошкенбой Эгамбердиев номли Тошкент Давлат цирки | 2003 йил 15 февралдан

ЕВРО ЦИРК

**ЕВРО ЦИРК СУПЕР-ШОУ**
**дастурини намойиш этади.**
**Унда:**
Ҳаво гимнастлари
**Кучуклар марафони**
Юмалоқ доирадаги эквилибрист
**Айиқлар дискотекаси**
«Лотос» балет гуруҳи
**йигитлардек жасур маймунлар**
Афсунгар ва сеҳргар одамхўр
**бўғма илонлар**
«СЭМ» масхарабозлар гуруҳи
**Бенгал йўлбарси**
шунингдек:
**Валентин Дикул**
машҳур мактабининг битирувчиси

ЕВРО ЦИРК

**Томошалар:** жума кунлари — 18.00 да; шанба ва якшанба кунлари — 12.00, 15.00, 18.00 да бошланади.
**Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилади.**
**Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин.**
**Касса эрталабки соат 9 дан ишлайди.**
**Маълумотлар учун телефонлар: 144-29-04, 144-35-94.**

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Донишмандлардан бири ўз дўстларига шундай насиҳат қилди:

— Жаҳл ўтини чидам, бардош суви билан ўчиринг, қаҳру ғазаб тиканларини сабр-тузим ўти билан ёндиринг, сийнангиз ҳасад дуди билан хиралашмасин, кўнглингиз лавҳида адоват нақшлари ўрин олмасин. Жон оғритар воқеалар юз берганда телба-девоналардек ҳаракат қилишдан, бошингизга қаттиқ мусибат тушганда умидсизлик гирдобидан сақланинг.

Ҳар ишингиз ўз андозасидан ташқари чиқмасин, ҳисобли иш тутинг, харажатингиз даромадингиз чегарасидан ошмасин, чиқимингиз кирімингизга қараб бўлсин.

**Одамга сабр гар кўрингай заҳар,**
**Чидам ниҳояти жонга бўлгай шакар.**

● Олий ҳимматли киши, агар умри дарахт гулидек қисқа бўлса ҳам халқ олдида мақбулдир. Ҳамма уни дилдан чиқармайди. Паст ҳимматли киши узоқ яшаса ҳам ҳеч ким уни ёдламайди.

**Ҳимматингни тут баланд эл олдида,**
**Ҳимматингча мартабанг бўлғай баланд.**

● Ваъдага вафо қилиш — инсонлик фазилати. Қўлдан келмаган ишга ваъда бериш яхши хислатлардан саналмайди.

**Бировга ваъда бергил уддасидан гар чиқар бўлсанг,**
**Вале қилмай вафо аҳдингга, бўлма юз қаролардин.**

● Ҳар кимни дўст ҳисоблаб, яширин сирни айтиш ақлли кишининг иши эмасдир.

**Бўлмагил ҳар кимга жонинг бирла йўлдош, ўзгадур,**
**Айтмагил ҳар кимсага сирингни, сирдош ўзгадур.**

● Тўрт нарса ҳамма учун керак: саломатлик, гўзал хулқ, ростгўйлик ва ҳалол меҳнат.

**Ҳар кишида бўлса эрликдан нишон,**
**Ҳеч бир одамга раво кўрмас зиён.**

● Беш нарса ақлли одам хислати: қўлдан кетган нарсага ачинмаслик, меҳнатдан қўрқмаслик, мағрур бўлмаслик, қўлдан келмаган ишга киришмаслик ва хоҳлаган нарсаси қўлга кирмаганига қайғурмаслик.

**Оқил эрсанг сабр айлаб ҳар замон,**
**Қилма синган ҳам тўкилганга фиғон.**

● Олти нарса роҳатда яшашга ёрдам беради: ишчанлик, ҳақиқий дўст, тарбияли фарзанд, меҳрибон хотин, ширин, мақбул сўз ва ақлу фаросат.

**Хоҳласангким эл сани яхши кўрар,**
**Бўлмагин ҳар кимга бадгў, бад назар.**

● Етти нарса жоҳилларнинг одати: ҳар нарсага аччиқланиш, синалмаган одамга ишониш, дўст-душманни ажрата билмаслик, сирини ҳар кимга айтиш, ақлсиз, нодон одамларнинг маслаҳатларига қулоқ солиш, бефойда сўзларни кўп сўзлаш ва лойиқ бўлмаган одамларга ёрдамлашиш.

**Ҳар кишидан халқ бўлса норизо,**
**Ул бўлур юз минг балога мубтало.**

## ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН

### Муҳаммад Авфий

# Жавомеъ ул-ҳикоёт

**(Давоми. Боши ўтган сонларда)**

* * *

Бир киши қул сотиб олиш учун бозорга борди. Унга бир қулни мақтаб дедилар:

— Бу қул ҳунарманддир, аммо бир айби бордир...

— У қандай айб экан?

— Бунинг айби шулки, ёлғон сўзлаб, ваҳима кўтаради.

— Бу унчалик ёмон айб эмас, — деб қулни ўша айби билан сотиб олди ва уйига олиб келди. Қул бир неча кун хожанинг уйида юрди.

Кунларнинг бирида қул ўз хожасининг хотинини хилватда учратиб, деди: «Эй биби, бир неча муддат бўлдики, сен менга кўп яхшиликлар қилдинг. Шу дамгача бундай инъом-эҳсонни ҳеч кимдан кўрганим йўқ. Бинобарин, бу яхшилигинг ҳақини қайтармоқ менга вожибдур. Хожанинг сир-асроридан сени воқиф қилмоқчиман, башартики, сирни хожага айтиб қўймасанг. Билгинки, хожа сенда бирор айб қидириш мақсадида мени олиб келган. Бошқа хотинга уйланмоқчи. Ҳар куни у билан учрашиб ишқ-муҳаббат изҳор қилади. Сени талоқ қилиб, ўрнингга ўша хотинни ўз никоҳига киритиши ҳақида гапиради. Мен сенга жоним куйганидан бу сирни айтдим. Энди ўз ғамингни емоғинг лозим».

Хожанинг хотини қулнинг бу хизмати учун унга миннатдорчиликлар билдирди ва қулга деди: «Бу дарднинг дармони ҳақида бирор чора-тадбир ўйлаб топ! Зеро, бу асрордан ўзинг мени воқиф қилдинг, энди мени бу балодан яна ўзинг қутқар!»

«Мен бунинг чорасини билмайман, — деди қул ва яна, — бу шаҳарда бир улуғ киши бор. Нужум ва маърифат илмида беназир. Унинг нафаси шунчалик ўткирки, дам солиб, осмондаги ойни ерга туширади. Дарёдаги балиқни қуруқликка чиқаради. Эркак кишининг бўйнидаги майда тукларидан тилсимлар яратади ва сеҳр-жоду қилади. Эркакни хотин кишининг шайдоси қилиб қўяди. Агар истасанг, ўткир устара олиб келиб берай. Қачонки, эринг ухласа унинг бўйнидаги майда тукларидан қириб ол! Сўнг бироз туқдан ва эрингни кийимидан бирини менга берсанг, мен у улуғ зотнинг олдига бориб, афсун ўқитиб келаман. Ана шундан сўнг эринг сенсиз бир лаҳза сабр қилолмай қолади», деди.

«Миннатдорман, сенинг бу хизматинг учун рози қилурман», деди хотин.

Шундан сўнг қул бориб ўткир устара олиб хотинга берди ва ўзи хожасининг олдига борди. Уни хилватга тортиб:

— Мен хайрихоҳлик касалига гирифтор бўлганман. Менга сендан яхшироқ хожа ҳаргиз топилмаган. Менга қилган лутф-эҳсонларингни ҳеч ким ўз фарзандига ҳам қилмаган. Менинг учун озодликдан кўра сенинг қўлингда қул бўлиб юрганим яхшироқ кўринади. Сенинг ҳақингда билганларимни бугун сенга айтишим лозимдир. Шоядки, берган тарбиянг ва ноз-неъматларинг эвазига ушбу хизматим билан жавоб беролсам. Билгинки, уйингни бекаси бошқа бир кишига кўнгил қўйибди. Ишқ ўти сабр вилоятини хароб қилибди. Фақат сенинг салобатинг унга монеълик қилиб турибди. Орзусини рўёбга чиқариш мақсадида, сени ҳалок қилиш пайига тушган. Бунинг учун ўткир устара ҳам тайёрлаб қўйган.

Агар ҳақиқатни билмоқчи бўлсанг, ҳозир уйингга югур, бошингни ёстиққа қўйиб, ўзингни уйқуга сол! Ана ўшанда ҳақиқат ҳолни биласан, — деди.

Хожа бу сўздан таъсирланиб, уйига борди ва бошини ёстиққа қўйиб ўзини уйқуга солди. Хотини устарани олиб, эрининг бошига келди. Эри бу ҳолни кўриб, «қул тўғри айтган экан», деб гумон қилди ва ўрнидан сакраб туриб хотинининг қўлидан устарани тортиб олди ва уни ўлдирди. Хотиннинг яқинлари кириб қасос учун хожани ўлдирдилар. Қулнинг шумлиги натижасида икки киши ўлиб, хонавайрон бўлди.

* * *

Шоир Абдулқайс шундай дейди:

«Отамнинг Муқбил номли хизматкори бор эди. Жиноят қилиб қўйгач, отамнинг хизматидан қочиб кетди. Ҳеч ким ундан хабар топмади. Муқбил қочиб кетгандан сўнг, отам оламдан ўтди ва мен ҳали ёш эдим. Ёшликнинг дастлабки даврлари нодонлик ва паришонлик хаёлларидан иборат бўлгани сабабли ғурбатга тушдим. Чунончи, ўз шаҳримдан сафарга чиқиш ҳаваси туғилиб, тақдирнинг тақозоси билан Насибин шаҳрига йўлим тушди. Бир кун яхши кийинган ҳолда шаҳар бозорини айланиб юрардим. Белбоғимда бироз маблағ ҳам бор эди. Ногоҳ, ўша хизматкор Муқбилни кўриб қолдим. Муқбил менинг олдимга келиб, ўзини оёғим остига ташлаб, мамнунлик изҳор қилаверди. У қавм-қариндошларнинг аҳволидан сўрар ва вафот қилганлар учун ачинаётганлигини изҳор қиларди.

Шунингдек, қолганларнинг саломат юрганига шод эканлигини билдирарди. Шундан сўнг, Муқбил менга деди: «Бу шаҳарга хуш келибсан!.. Эҳтимолдирки, бу ерда қўнадиган муқим уйинг бўлмаса керак. Менинг бу ерда уйим бор. Уйимда маишат асбоби муҳайёдир. Агар лозим топсанг бирор соат сенинг хизматингда бўлсам».

Мен аблаҳларнинг ҳийла-найрангларидан бехабар бўлганим туфайли ҳамда унинг замзамаларига мағрурланиб, унинг кетидан йўлга равона бўлдим. Биз шаҳардан ташқарига чиқдик. Шаҳарнинг четида хароба уйлар бўлиб, харобалар орасида катта сарой намоён бўлди. Саройнинг эшигини маҳкам занжирлаб қўйгандилар. Муқбил эшикни тақиллатди. Дарҳол эшикни очдилар. Муқбил билан олдинма-кейин ичкари кирдик. Яна эшикни маҳкам қилиб занжирладилар. Ниҳоят, даҳлиздан ичкари кирганимиздан сўнг, кичик ҳужрачани кўрдим. Ҳужранинг саҳнига бўйра солинган бўлиб, унда шерсурат уч киши қуролларини олдиларига қўйган ҳолда ўтирардилар. Уларни кўргач, улар ўғрилар тоифасидан эканлиги ва мен ўз оёғим билан гўристонга келганим аён бўлди. Мен шундай андишада турган эдим, улардан бири ўрнидан туриб келиб юзимга бир тарсаки тушириб: «Тўнни еч», деди. Мен барча кийимларимни ечиб, фақат иштоним билан қолиб, ҳайронликда термулардим. Чопоним ва олтинларимни олишгач, олтинни Муқбилга бериб: «Бозорга бориб таом келтир, қоринни тўйғазайли», дедилар. Муқбил улардан бирининг қулоғига оҳиста гапирди. У киши эса ўлдириш биз учун яхши бўлмайди, сен тезроқ бориб таом келтир, деди. Мен бу сўзларни эшитарканман, ҳаёт билан видолашдим ва жонимдан умидимни уздим.

**(Давоми бор).**

**Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.**

## БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

# «О» ҳарфли бошқотирма



**Жавоб сўзлари шаклда «О» ҳарфи билан кесишади:**

1. Фарғона водийсидаги шифо маскани. 2. Энг эрта гуллаб кеч кузда ҳосили етилувчи қуруқ мева. 3. Мевазор ва гулзор бунёдкори. 4. Қамиш тўқимаси. 5. Савдо маскани. 6. Назмий асар тури. 7. Европадаги давлат пойтахти. 8. Ўқ тайёрлашда ишлатиладиган портловчи модда. 9. Миллий ширинлик. 10. Сайлаш учун белгиланган шахс. 11. Ёзув ашёси. 12. Мармар кони. 13. Само. 14. Ҳарбий белги. 15. Тўп, спорт анжоми. 16. Илон ўргатувчи. 17. Автомобиль «юраги». 18. Азиз неъмат ҳунарманди. 19. Полиз экини. 20. Миллат. 21. Қадимги ёзув анжоми. 22. Тоғ йўли қисми. 23. Келтирилган зарар учун тўланадиган ҳақ. 24. Сопол идиш. 25. Таниқли ҳинд киноактёри. 26. Машҳур қозоқ халқ полвони. 27. Ўзбек театри санъаткори, устоз режиссёр. 28. Рус олими. 29. Ўзбекистон халқ ҳофизи, мақом йўлларидаги ашулалар ижрочиси. 30. Коинотга ракета учириш иншооти.

**Муаммонома**

Шакл марказидаги рақамларда «Оталар сўзи» асаридаги ҳикматлардан бири ифодаланган. Уни қуйидаги очқич сўзларни топиб, улар ёрдамида билиб олинг.

1. Қадимда бир неча қишлоқни ўз ичига олган маъмурий ҳудуд — 3, 9, 4, 2, 5.

2. Турли маълумотларни ифодалашда қўлланиладиган сирли ёзув, белги — 7, 1, 6.

3. Асосан Осиёнинг ғарбида яшовчи миллат — 10, 8, 10, 3.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

**Газетанинг шу йил 24 январь сонида берилган «Ўзбек адабиёти» бошқотирмасининг жавоблари**

**Шаклда белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида:** 1. Навоий. 2. «Нахшон». 3. «Алпомиш». 4. Шерзод. 5. Дебоча. 6. «Куйгай». 7. «Нурали». 8. Жаннат. 9. Ҳабибий. 10. Саодат. 11. «Диназавр». 12. «Гирдоб». 13. «Парвона». 14. Нодира. 15. «Рустам». 16. «Наврўз». 17. Савсан. 18. Баҳром. 19. «Афлотун». 20. Зарина. 21. «Онажон».

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1. «Жомий. 2. «Лолазор». 3. Зеби. 4. «Нидо». 5. Фард. 6. Сатр.

**Ҳикмат: Адабий мерос жозибаси билан латофатли.**



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39, факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 7587 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-09.

Топширилди 11.50

1 2 3 4 5 6